



2006 йил «16» *Subor*

QAROR

№- 99 -К

Фермер хужалигини ташкил қилиш
хамда ер майдони ажратиш тугрисида.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8-ноябрдаги ПК-215-сонли «2006 йилда кишлоқ хужалиги кооперативларини (ширкат хужаликларини) фермер хужаликларига айлантириш тугрисида»ги қарорининг хамда Самарканд вилоят ҳокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 203-К-сонли ва туман ҳокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 687-К-сонли қарорларига асосан кишлоқ хужалик маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида, Даминов Севарнинг фермер хужалиги ташкил этиш комиссияси аъзоларининг аризасини хамда «Гулистон» ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссияси аъзоларининг 2006 йил 6-январдаги танлов яқунлари баённомасига ва шу ширкат хужалиги жамоатчилик кенгашининг ижобий ҳулосасига асосан ва туман статистика бўлимининг 2006 йил 16-январдаги 68-06-сонли «ZINNANTEPA-BSJ»га ухшаш ном мавжуд эмаслиги тугрисидаги маълумотнома-гувоҳномасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1.«Гулистон» ширкат хужалигини тугатиш ва қайта ташкил этиш комиссиясининг 2006 йил 6-январдаги туман ҳокимлиги биносида утқазилган тендер яқунлари буйича баённомасида голиб деб топилган Даминов Севарнинг «ZINNANTEPA-BSJ» фермер хужалиги пахта-галлачилик йуналишида ташкил этилсин.
- 2.«ZINNANTEPA-BSJ» фермер хужалигига «Уздаверлойиха» олийгоҳи Самарканд филиали мутахассисларининг қайта йўқлама қилдириш кайдномасига асосан умумий майдони 41,6 гектар, шундан: сугорилиб ҳайдаладиган ери 40,1 гектар, ариқлар 1,1 гектар, йўллар 0,3 гектар, бошқа ерлар 0,1 гектар ер майдонлари 50 йилга ижарада фойдаланишга ажратиб берилсин.
- 3.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Б.Абдураззоқов)га ер кадастр ва баал бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонларини узок муддатли ижара шартномаси, тегишли меъёрий ҳужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;
-туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатидан утқазиб, инспекцияси (М.Қурбоновга) мазкур фермер хужалигини Узбекстон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20-августдаги 357-сонли қарори талаблари асосида давлат руйхатидан утқазиб, гувоҳнома бериш;
-туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Тураев)га мазкур фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий туловларини тартибга солиш;
-иктисослашган тижорат банклари мазкур фермер хужалиги учун ҳисоб рақам очиш;
-туман статистика бўлими (З.Эргашев)га мазкур фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси юқлатилсин.
- 4.Мазкур фермер хужалигига ер майдони ажратишда ширкат хужалигининг қопланмай қолган дебитор ва кредитор қарзларининг, ажратилаётган ер майдонларига мутаносиб равишда тақсимланиб, ундирилишини таъминлаш Гулистон ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссия раиси Т.Алқаров зиммасига юқлатилсин.
- 5.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ширкат хужаликларини қайта ташкил этиш комиссия раиси уринбосари Н.Жураев зиммасига юқлатилсин.
- 6.Мазкур қарорнинг тасдиғи Вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими :-

Ш.Негматов

Ш.Негматов